

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги “Судьяларнинг чинакам мустақиллиги таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6127-сонли Фармони судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда коррупциявий ҳолатларни олдини олиш, шунингдек судьялар ва суд аппарати ходимларида коррупцияга нисбатан муросасизлик иммунитетини шакллантириш юзасидан 2022 йилга мўлжалланган

КОМПЛЕКС ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

I. Фармонда белгиланган вазифаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтириш	
Фармон мазмун моҳиятини ОАВ орқали кенг оммага етказиш	Алоҳида режа асосида телевидения, радио ва интернет сайтлари ҳамда газета, журналларда ёритиш
Фармон мазмун моҳиятини судьялар, ҳокимият вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари, суд ходимларига тушунтириш	Алоҳида режа асосида суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва ҳокимият вакиллари иштирокида жойларда давра суҳбатлари ўтказиш
Фармон мазмун моҳиятини тушунтириш бўйича ОАВ учун брифинг ўтказиш	Брифинг ташкил қилиш
II. Судьяларнинг чинакам мустақиллиги ва дахлсизлигини таъминлаш	
Судьяларнинг дахлсизлигини таъминлаш, одил судлов фаолиятига ҳар қандай аралашувларнинг олдини олиш	Одил судловга аралашув ҳолатларини ўрганиш ва таҳлилий маълумотнома тайёрлаш, шу асосда чора-тадбирлар белгилаш
Суд ишларига ҳар қандай кўринишда аралашганлик, шу жумладан ишни ўз фойдасига ҳал қилиш мақсадида пора таклиф қилиш ҳолатларида судья ва суд ходимлари томонидан хабар берилишини таъминлаш	Низом лойиҳасини тайёрлаш ҳамда хабар беришнинг аниқ тартиб ва мезонларини белгилаш
Судьялар фаолиятига турли аралашувларнинг доимий мониторингини юритиш	Ташкилий ҳуқуқий масалалар
III. Коррупция ҳолатларининг олдини олиш	
Судьялар томонидан судьялик қасамёдида ва “Судьялар одоб-ахлоқ кодекси”га риоя қилинишини ўрганиш	Мавжуд муаммолар бўйича таҳлилий маълумотнома тайёрлаш. Муаммоларни баргараф этиш юзасидан чора-тадбирлар белгилаш
Судьяларга нисбатан чиқарилган хусусий ажримларни ва интизомий жазоларни қўллаш сабабларини таҳлилий ўрганиб боришни йўлга қўйиш	Таҳлил асосида тегишли чоралар белгилаш
Судьялар томонидан коррупция ҳолатлари билан боғлиқ жиноятлар содир этилган ҳар бир ҳолатда жиноят содир этилишига имкон берган шарт-шароит ва сабабларини ўрганиш	Ҳар бир ҳолат бўйича хизмат текширувини ўтказиш ва Кенгашда муҳокама қилиб, чора-тадбирлар белгилашни жорий этиш
Судьяларнинг касбий малакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш, тизимда коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш	Онлайн ўқув ташкил этиш режасини тасдиқлаш Онлайн ўқув режани амалга ошириш
Судьялар томонидан коррупция ҳолатлари билан боғлиқ жиноятлар содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни ва сабабларини ўрганиш	Маълумотнома асосида тегишли чора-тадбирлар белгилаш

Судьялик қасамёдини бузганлиги ёки бошқа ножўя хатти-ҳаракат содир этганлиги сабабли ваколати муддатидан илгари тугатилган судьяларга (жиной жавобгарликка тортилган судьялар бундан мустасно) оид ҳужжатларни ўрганиш	Маълумотнома асосида тегишли чора-тадбирлар белгилаш
Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналарига, ишонч телефонларига, Судьялар олий кенгашига, судьялар малака ҳайъатларига судьялар томонидан коррупция ҳолатларига йўл қўйилганлиги юзасидан келиб тушган муурожаатларни ҳар томонлама, тўлиқ ва холис текшириш	Умумлаштириш асосида таҳлилий маълумотнома тайёрлаш Таҳлилдан келиб чиқиб чора-тадбирлар белгилаш
Судьялар малака ҳайъатлари томонидан тизимда коррупция ҳолатларининг олдини олиш борасида амалга оширилган ишларнинг мониторингини юритиш	Судьялар малака ҳайъатларининг бу борадаги фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан тавсиялар тайёрлаш
Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни йўлга қўйиш	Ўзаро ҳамкорлик мезон ва тартиблари бўйича қўшма кўрсатма ишлаб чиқиш
Коррупцион омилларни бартараф қилиш борасида қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича таклифлар тайёрлаш	Амалдаги қонунчиликни таҳлил қилиш ва таклифлар тайёрлаш
Судьялар ўртасида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар бўйича профилактика суҳбатлари ўтказиш	Профилактик суҳбат ўтказиш
Судьялар ўртасида совғалар ва мукофотлар қабул қилишнинг тартиб ва мезонини белгилаш	Судья ва суд ходимлари томонидан совға ва мукофотларни қабул қилиш бўйича низом қабул қилиш
Тизимда коррупциянинг олдини олиш мақсадида: Аҳоли ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, пора бериш учун жавобгарлик муқаррарлигини тушунтириб бориш; Коррупцияга қарши постерлар тайёрлаш ва суд биноларига жойлаштириш	Кенгаш ва Олий суд веб сайти орқали амалдаги қонунчилик талабларини тарғиб қилиш. Постерлар тайёрлаш ва суд биноларига жойлаштириш.
Судьялар шаънига доғ туширадиган ҳолатлар юзасидан тайёрланган тезкор-оператив лавҳалар акс эттирилган “Панжара остидаги лавҳа, тавба-тазарру” номли фильмни судларда барча судьялар ва суд ходимлари иштирокида намойиш қилиш	Вилоят ва унга тенглаштирилган судларда
Судьяларда коррупцияга қарши иммунитетни шакллантириш мақсадида жазони ижро этиш муассасаларида маҳкумларга нисбатан ишларни кўриш жараёни (жазони енгилроғи билан алмаштириш, жазодан муддатидан илгари озод қилиш)да судьялар иштирокида тадбирлар ўтказиш	ЖИЭМ билан ҳамкорликда